

ДАЛАМИЗГА КЕЛИНГ

Ҳарбир ишни тажрибали деҳқонлар билан маслаҳатлашиб амалга оширмақдамиз. Ерга уруғ тушган дастлабки кундаоқ ҳарбир уянинг бўш қолмаслиги, текис униб чиқиши тўғрисида қайғирдик. Ҳар туп маккажўхори ўсимлиги атрофида парвона бўлдик.

Биз устозимиз Любовь Лининг маккажўхоридан қандай мўл ҳосил етиштириш соҳасидаги ишлари, тажрибалари тўғрисида кўп эшитганмиз. Далада бўлиб, агротехника тадбирларини амалга ошираётганмиз, ана шунга риоя қилмоқдамиз.

Любовь Ли айтадики, гўза сингари маккажўхорини ҳам ёшчилигида тўдириб озиқлантириш лозим. Худди шундай қилаёلمиз. Ҳозиргача маккажўхорини бир марта озиқлантирдик. Ҳар гектар ерга 500 килограммдан ўғит солинди. Ўғит солиш пайтида ундан ўсимликнинг тўла баҳраманд бўлиши учун культиваторларни яхшилаб созадик. Ишни сифатли бажарган эканмиз, тез кун ичида маккажўхорининг бўйига бўй қўшилди.

Сугорини ташкил этишга ҳам алоҳида аҳамият бермоқдамиз. Акбарали Мирзааҳмедов, Миркамол Жалилов, Сирожиддин Жалолов сингари ўртоқлар ҳарбир туп ўсимликнинг талаб ва эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда қондириб сугормоқдалар. Биринчи сувни бериб бўлдик. Тракторчи Аҳмедов ўзи ер ҳайдаб, ўзи уруғлик эккан эди. Ҳозир ўзи қатор ораларининг сифатли юмшатилишига ҳисса қўшмоқда.

Областимизда бу йил янгидан 45 га яқин маккажўхорикор звено ташкил этилди. Бу звеноларнинг аъзолари Любовь Ли изидан бориб, ўз экин майдонларида маккажўхоридан мўл ҳосил етиштириш йўлида астойдил курашмоқдалар. Бу саҳифада Любовь личилар ўз ишлари ҳақида ҳикоя қиладилар.



Шундай қилиб, звеномиз аъзолари бригадир Рашид Ҳошиқов раҳбарлигида мўл ҳосил етиштириш учун астойдил курашмоқдалар. Биз ҳаммаси бўлиб 30 гектар ерда маккажўхори етиштирмақдамиз. Ҳар гектар ердан минг центнердан кўк поя ўриб оламиз, деган ниятимиз бор. Ҳарбир қўлай фурсатдан, ҳарбир имкониятдан тўла фойдаланамиз, албатта ўз сўзимизнинг устидан чиқиш учун ҳамма чораларни кўрамиз.

Жамила ҚОРАТОВА
Калинин бошқармасидаги «XXI партсъезд» совхози жўхорикор звеносининг бошлиғи.

МАККАЖЎХОРИНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ ЧЕК-СИЗДИР. ТОШКЕНТ ЯКИНИДАГИ «ПОЛИТОТДЕЛ» КОЛХОЗИНИНГ БРИГАДИРИ ЛЮБА ЛИ ГЕКТАРИДАН 1967 ЦЕНТНЕРДАН СУТАЛИ МАККАЖЎХОРИ КЎКПОЯСИ ОЛДИ. МЕН БУ КОЛХОЗДА БЎЛДИМ, МАККАЖЎХОРИНИ КЎРДИМ. У ХУДДИ УРМОНГА ҲАМ ШАЙДИ. АФТИДАН, БУ ХИЛДАГИ МАККАЖЎХОРИ ФАҚАТ СУГОРИЛАДИГАН ЕРЛАРДА УРУҒ МОСЛАБ ТАНЛАНГАНДА УСТИРИЛИШИ МУМКИН. МАККАЖЎХОРИ ҚУДРАТЛИ ЭКИН БЎЛИБ КЕЛДИ ВА ҲОЗИР ХАМ АНА ШУНДАЙ ҚУДРАТЛИ ЭКИН БЎЛИБ ҚОЛАДИ ҲАМДА ДАЛАЛАРДА УЗИНИНГ МУНОСИБ УРНИНИ ЭГАЛЛАЙДИ.

Н. С. ХРУШЧЕВ.



Устозимиз, «дала маликаси»нинг қадрдон дўсти Любовь Лининг издошлари кўпайиб борапти, деган хушхабар бизнинг қолхоз қизларини ҳам жуда қизиқтириб қўйди.

Яхшиликнинг кетидан қувган ютади, албатта. Қолхоз правлениеси ҳам, ҳамқишлоқларим ҳам менга: сен ҳам машҳур жўхорикор Любовь Ли изидан борасан, — дейишди. Люба опамизнинг изидан боришининг ўзи шараф-ку! Ўйладим, фахрландим.

ШАРАФЛИ БУРЧИМИЗ

Менга бу йилча маккажўхори етиштиришда тажрибасизлигимни ҳисобга олиб 46 гектар ер ажратиб беришди. Унинг 30 гектарида силосбоп жўхори ўсаяпти. 16 гектардаги маккажўхорини донга ажратганмиз.

Маккажўхоримизнинг ривожини чакки эмас. Тўғри, бироз сел урган ерда қатқалоқ ҳосил бўлиб бизни анча қийнади. Лекин тезда олдини олиб қолдик.

Ахир маккажўхори навбат кутиб туришни ёқтирмайди. Тезда культивация қилинмаса қатқалоқ, ўт босади, экинни сарғайтириб юборади. Ана шунини ҳисобга олиб тракторчи Яхшилик ака Қамбаров ҳамма майдонимизни тезда икки марта сифатли культивация қилиб берди, экинни қатқалоқдан вақтида қутқариб қолдик. Шунинг учун ҳам менда машинанинг тилини билди олишдек яхши ният пайдо бўлди.

Ўғит маккани қўлф урдириб, гуркиратиб юборишни ўз тажрибамда кўриб турибман. Гектар бошига 200 килограммдан селитра солган картамыздаги жўхори кун сайини, соат сайини кўкка бўй қўзаяпти. Қишда худди бизнинг маккажўхорикор бригадасида ёнгинасига маҳаллий ўғитдан компост қилинган эди. Яқин кунларда уни шарват қилиб эгатларга оқизамиз.

Бу йилги аҳдими ҳар гектар ер ҳисобига 1000 центнердан кўкпоя олиш, албатта улдасидан чиқамиз.


Карима АБДУҲОЛИҚОВА
Юқори Чирчиқ. Карл Маркс номли қолхоз звено бошлиғи.

МЕНИНГ ИСТАГИМ

Мен бошқараётган звенога 30 гектар майдон ажратиб беришди. — Бу майдонда фақат силосбоп маккажўхори етиштирилади. — Гектаридан 1000 центнерни мўлжаллайвер, — деб тайинлади колхозимиз раиси ўртоқ Пак Дин Ҳеб. Албатта Люба Лининг издоши деган юксак ном беришиптими, уни оқлаш, биз ленинчи ёшларнинг шарафли бурчимиз.

Даламизда меҳнат ана шу ахдга яраша олиб борилаёпти. Яқин кунлар ичида маккажўхорига комплекс ишлов беришни тугаллаймиз. Озиқлантириб қўйдик. Маана шу июнь ва июлнинг биринчи ярмигача маккажўхорини қондириб сугорамиз. Бўйи чўзилаверсин. Унчага техникани тахт қилиб вақтида ўримга, силос бостиришга тушамиз.

Нусрат МИРЗАЕВА
Юқори Чирчиқ. «Ўзбекистон» қолхозининг звено бошлиғи.



Сиз бу суратда Калинин бошқармасидаги «XXI партсъезд» совхозининг ўртоқ Жамила Қоратова бошлиқ звено аъзолари гуриратиб ўстириб турган маккажўхорини кўриб турибсиз. Уртон у. Аҳмедов ўсимлиги қатор ораларига кўнгидагидек ишлов бермоқда. А.Абальян фотоси.

1200 ЦЕНТНЕР УЧУН

Довруғи бутун мамлакат бўйлаб таралган машҳур маккажўхорикор Любовь Ли бизнинг ҳамқишлоғимиз. У етиштираётган, бўйи кўкка интилаётган «дала маликаси»га кўзинг тушганда ҳавасинг келади. Еринг, сувинг, ҳамма шаронинг бир бўлса-ю, худди шунақа ҳосил ўзинг ишлаётган қолхозда етиштирилмаса афсусланаркансан киши.

Етиштирса бўладими? Албатта бўлади. Бу фикр дилимни қитқилаб юрган кунларнинг бирида қолхозимиз партия ташкилотининг секретари ўртоқ С. Айдаров:

— Любовь Личи маккажўхорикор бригада тузмоқчимиз, сени шунга звено бошлиғи қилиб тайинласан, ўзинг механизаторсан, хўш, нимма дейсан, ҳамма ишловини ўзинг бажараверсан, — деб қолди. Мана шунга ҳам икки ойдан ортқ муддат ўтди. Шу кунга звенога бир-иктиланган 53 гектарлик майдонни кўриб чиқдим. Тўқай ер, ўтган йили бедазор бўлган ер ҳам бор, янги ўзлаштирилган ер ҳам. Хуллас катта меҳнат талаб этади.

Кўчатниқу, текис ундириб олдик. Лекин тўқай жой эмасми, устмас-ўстмас ёнгириқчилик бўлавериб жўхоризорни бирдан ўт босиб кетса бў-



ладими? Шошиб қолдик. Яхшики 60х60 квадратимиз аниқ чиққан эди, икки томонлама устмас-уст ишлов бердик, ягана ҳам сифатли ўтказилди, ёнига говламасин, деб пастки ён шохларини олиб ташладик. Энди жўхоримизнинг ривожини дуруст. Дорилаб ҳам қўйдик. Гектар ҳисобига 200 килограммдан минерал ўғит солдик. Қондириб сугораямиз. Эндиги сув унинг бўйига бўй қўшади. Гектаридан 1200 центнердан силосбоп кўкпоя етиштириб, чорвамиз озуқасини мустаҳкамлаймиз.

Соня ГАЛИМОВА
Юқори Чирчиқ «Ленинизм» қолхозининг звено бошлиғи.



Бизнинг қолхозимиз «Дала маликаси»нинг академиги Люба Ли опамизнинг қолхозига қўшини. Шундай яқингинада туриб бу устоздан ўрнат олмай бўладими? Мактабни тугаллагач, меҳнат фаолиятини «дала маликасини парваришладан бошламан, дедим. Қолхоз правлениеси истагини қондирди.

ВИЖДОНИМИЗ ШУНИ БУЮРДИ

ларнинг ҳаммасини менга тушунтириб берди.

Қолхозга қайтиб келгач ҳеч қандай иккиланмай, ишга дадил киришиб кетдик. 12 гектар ерга дон учун, 18 гектар ерга эса силосбоп кўкпоя учун маккажўхорини 60х60 сантиметри схема билан квадрат уялаб экдик. Кунлар кетидан кунлар ўтгани сайин ишимиз олға босиборди. Бўйига бўй қўшилаётган ям-яшил «дала маликалари» хаш-паш дегунча ер бетини кўрсатмай қўйди.



Бибинур ЗОКИРОВА
Бўка. «Ленинизм» қолхозининг маккажўхорикор звеноси бошлиғи, Қорақўйли қишлоқ Советининг раиси.

ҲАМ ЖЎХОРИ, ҲАМ ПАХТА

Ажабланманг. Мен ҳам Любовь Лининг издошиман, ҳам Турсуной Охунованинг. Анчадан бери турсунойчи бўлишни кўнглимга тугиб юрдим. Бултур мақсадимга эришдим. Мени «Пискент» совхози қишлоқ очилган механизаторлар курсига ўқишга жўнатишди. Бу касбни эгаллашга шундай берилиб кетдимки, ўқининг тугагани ҳам пайқамай қолдим. Қолхозимизга «механик-ҳайдовчи» деган ном билан қайтдим. Бултурнинг ўзида «ХВС—1,2» машинанинг рулига ўтириб салкам 60 тонна «оқ олтин» териб олдим.

Кўнглим яна бир нарсани, любовин бўлишни истардим. Иккови ҳам бир-бирдан афзал касб. Ҳайрон бўлдим, қайси бирини танласам экан? Охири мана шундай фикрга келдим: «Иккала касбни ҳам қўймайман, ёзда маккажўхори ўстирсам, кузда машинага ўтириб пахта тераман».

Бу йил қолхоз правлениесидан алоҳида ер ажратиб беришни илтимос қилдим. Улар бу ташаббусни маъқуллашди. 8 кишидан иборат звено туздиқ-да, 53 гектар майдонга маккажўхори экдик. Ҳамма майдонга уруғликни аниқ миқ-

дорда ташлайдиган сеялкалар билан 60х60 сантиметрли схемада квадрат-уялаб эккан эдик. Шу пайтга қадар дала ишларини бирор дақиқага ҳам сусайтирганимиз йўқ. Ҳозир «дала маликаларининг бўйи бўйим билан бўйлашапти.

Шу кунга қадар пайқалларимизни бир марта кўндалангига, икки марта узунасига сифатли культивация қилдик. Узунасига учинчи культивация ҳам бугун-эрта тугалланади. Звеномизга битта трактор



Раъно ТУЛАГАНОВА
Бўка. Охунбобоев номли қолхознинг маккажўхорикорлик звеноси бошлиғи.

